

Рабиъул аввал ойида юз берган тарихий воқеа



18:30 / 22.10.2021 1988

Ҳижрий 1 йил, 12 рабиъул аввал, жума куни (мил. 622 йил 23 сентябр) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубо қишлоғи билан Ясриб (Мадина) шаҳри ўртасидаги Бани Солим ибн Авф водийида биринчи жума намозини юз кишилик жамоат билан ўқидилар. Жума намозидан сўнг Ясриб (Мадинаи мунаввара)га кирдилар ва Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳунинг бўш уйига жойлашдилар;

- «Сўкиш, ҳақорат қилиш» маъноларидаги «Ясриб» номи «Мадинатур Расул», «Мадинатун Набий» (Пайғамбар шаҳри) деб, кейинчалик қисқариб «Мадина», «Мадинаи мунаввара» деб, атала бошлади;

- бир неча кун ўтиб Мадинага Савда онамиз, Фотима, Умму Кулсум, Усома ибн Зайд ва Умму Айманлар ҳамда Абдуллоҳ ибн Абу Бакр розияллоҳу анҳум оиласи билан келишди;

- шундан кейин биринчи бўлиб Масжиди Набавийни қуриш ишлари бошланди.